

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

---

---

ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.  
ILMIY  
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади  
Йилда 6 марта чиқади

4-2020

**НАУЧНЫЙ  
ВЕСТНИК.  
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года  
Выходит 6 раз в год

|  |     |
|--|-----|
| <b>Д.Анваров</b>   |     |
| “Бобурнома” асарида Эсан Давлатбекимнинг Фарғона водийси жараёнларидағи тасвири..                          | 167 |
| <b>М.Жўраев</b>  |     |
| Ўрта Осиё туркий халқлари астромифологиясида оқбўзот ва кўкбўзот юлдузлари.....                            | 170 |
| <b>З.Рахимов, Д.Гуломов</b>  |     |
| Романда ассоциатив сюжет.....  | 174 |
| <b>М.Ғаниев</b>  |     |
| Ўзбек насрода тарихий роман генезиси ва ривожи.....  | 176 |
| <b>М.Хамидов</b>   |     |
| Романларда Машраб образи билан ёндош тарихий шахслар .....   | 180 |
| <b>Р.Умурзаков</b>   |     |
| Мумтоз адабиёт намуналарида бола образи ва давр руҳи .....   | 186 |
| <b>И.Саймуратова</b>   |     |
| Исажон Султоннинг “Боқий дарбадар” романида бош қаҳрамон масаласи .....                                    | 190 |
| <b>Д.Тўраева</b>   |     |
| Бадий ижодда онгли ва интуитив ҳолатлар .....  | 195 |
| <b>Н.Бўриева</b>   |     |
| Уилям Шекспир сонетларининг бадий хусусиятлари .....   | 200 |
| <b>Н.Ҳамраев</b>   |     |
| Нодавлат телеканаллар медиамаҳсулотлари номланишининг ўзига хос хусусиятлари .....                         | 204 |
| <b>Х.Убайдуллаев</b>   |     |
| Турли тиллардаги фразеологизмларнинг эквивалентлари ҳақида .....   | 208 |
| <b>М.Батирханова</b>   |     |
| Соматик фразеологизмларнинг таснифлаш масаласига доир.....   | 211 |
| <b>Ш.Хасанова</b>  |     |
| Расмий иш услубининг лексик ва фразеологик хусусиятлари.....   | 214 |
| <b>Г.Турдиева</b>  |     |
| Лингвокультурология замонавий лингвистик таълимот сифатида.....  | 217 |
| <b>Л.Галимуллина</b>   |     |
| Инглиз тилида фразеологик бирликларда учрайдиган қимматбаҳо тошлар ва<br>металларнинг рамзий аҳамияти..... | 221 |
| <b>Н.Гофурова</b>  |     |
| Инглиз ва ўзбек тилларида қурилиш терминларининг структурал - семантик таснифи .....                       | 226 |
| <b>У.Маҳмудова</b>   |     |
| Тилшуносликда реклама мустақил дискурс сифатида .....  | 229 |
| <b>З.Акбарова</b>  |     |
| Концепт ва лисоний онг .....   | 233 |
| <b>З.Тожиматова</b>  |     |
| Ўзбек адабиётидаги илк аёл ижодкорлар ва уларнинг ўрганилиши.....  | 235 |
| <b>Х.Хусамбоева</b>  |     |
| Умумий ўрта таълим муассасаларида таълим сифатини оширишда<br>рейтинг индикаторларининг аҳамияти .....     | 238 |
| <hr/>  |     |
| <b>ФАНИМИЗ ФИДОЙЛАРИ</b>   |     |
| Адабиётимиз фидойиси .....   | 241 |

нигохи инсон кўзларини эслатувчи кўзи наргис япрогига тушади, бундан ниҳоятда хижолат бўлади ва висол онларидан воз кечади. Навоийнинг хулосаси шу бўладики, Нўширавондаги ҳаё уни олам ахлига шоҳ қилди [9]. Бу каби мисоллар Алишер Навоийнинг бадиий мақсад ва идеалларига ҳамоҳанг бўлиб, уларда даҳоликка пойдевор ёшлиқдан қўйилади, деган хулоса ўз тасдиғини топади.

Юқоридаги каби мисоллар Навоийнинг болалигидаги ҳаётий воқеаларда ҳам акс этган. Унинг феноменидаги юксак аҳлоқий, психологияк, эстетик ҳислатлар болалигиданоқ шаклланганини кўриш мумкин. Жумладан, кичикилигига ёк “Мантиқ ут-тайр”ни ёд олиши, Тафт шаҳрида Шарафиддин Али Яздий назарига тушиши, [10] саҳрода ухлаб қолиб, манзилни ўткир зеҳн билан топиб бориши, 7-8 ёшидаёқ ғазаллар ёзид, Мавлоно Лутфийнинг лутфига сазовор бўлишида даҳо ижодкорнинг “буюк танланганлар” қаторида яратилганлигига амин бўламиз.

Умуман, Конфуцийдаги Олийжаноб киши, тасаввуф таълимотидаги Комил инсон, Ф.Нитцшедаги Аъло одам идеалларининг бадиий ифодасини Навоий ўз қаҳрамонларига кўчиради. Комил инсоннинг бадиий ифодаси Фарҳодда ва бошқа образларда мужассам бўлса, комилликнинг тарихий асосларини Пайғамбарлар ҳаётида кўради.

Минг йиллик тарихга эга ўзбек қиссачилигига “Халқ китоблари” ўзига хос ўринга эга. Улар замонавий қиссачилигимизнинг генезиси ҳисобланади. “Халқ китоблари”да биографик элементларнинг кўпроқ қамраб олиниши

қисса билан умумий хусусият касб этади. Қолаверса, “Халқ китоблари”нинг номида “қисса” терминининг қўлланиши ҳам бежиз эмас, масалан, “Иброҳим Адҳам қиссаси”, “Шоҳ Машраб қиссаси” каби. “Халқ китоблари” орасида “Шоҳ Машраб қиссаси” алоҳида аҳамиятга эга [11]. Қисса достонларга хос бошланма билан бошланади. Туғилиш, илоҳий ишқдан маст бўлиш, йигидан тинмаслик, фавқулодда ақл Машраб сиймосига илк болалик кунлариданоқ сингдирилади. Машрабнинг ким бўлиши ёшлигига кўрсатган каромат ва ҳаракатларидан маълум эди. Валийлик ҳислатларини ҳалқ унинг болалик тасвирига сингдириб юборади.

Хуллас, болалик муҳим маънавий-аҳлоқий доминанта сифатида ўтмиш ижодкорларнинг қизиқиш обьекти бўлиб келган. Бироқ мумтоз адабиётда, хусусан, маърифатпарварлик адабиётида болаликка ва бола образига шахсни шакллантирувчи ёрдамчи босқич сифатида қаралган. Романтизм даврида болалик инсониятнинг олтин даврига, яъни табиат билан бирлашиш ва ўйғунлашиш ҳолатига қайтиш мавзуси ҳисобланган. Бир сўз билан айтганда, мумтоз адабиётда болалик фрагментал хусусият касб этиб, қаҳрамоннинг маълум даражага кўтарилишига пойдевор бўлувчи босқич вазифасини ўтаган. (Fragment – лотинча парча, бўлак, санъат асари парчаси, матннинг бир қисми). Болаликка инсон ҳаётининг мустақил даври сифатида XX асрда қарала бошланди. Бу даврга келиб бола образига психологик-аналитик жиҳатдан эътибор берилди, унга кўра инсон ҳаётининг энг муҳим даври унинг болалик йиллариридир.

#### Адабиётлар:

1. Зимин В.Я., Тема детства в творчестве К.Д.Воробьевса, аврореф.к.ф.н., Орёл-2004.
2. Гусева Е.В., Концепция детства в творчестве Захара Прилепина, аврореф.к.ф.н. – М., 2014.
3. Форобий А.Н., Фозил одамлар шаҳри, –Т.:А.Қодирий номидаги ҳалқ мероси нашриёти, 1993.
4. Қуръони Карим (Таржима ва изоҳлар муаллифи А.Мансур) –Т.: Чўлпон, 1992.
5. Раҳмонов Н., Ўзбек адабиёти тарихи (энг қадимги даврлардан 15-асрнинг 1-ярмигача), –Т.: Сано-стандарт, 2017.
6. Рабғузий Н.Б., Қисаси Рабғузий, 2-китоб, –Т.:Ёзувчи, 1991.
7. Алишер Навоий, Лисон ут-тайр, –Т.:ФАН, 1996.
8. Бобур З.М., Бобурнома, –Т.:Юлдузча, 1989.
9. А.Навоий, Тарихи мулукки ажам, –Т.: ФАН,2000.
10. Алишер Навоий, Мажолис ун нафоис,Т.: F.Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1966.
11. “Шоҳ Машраб қиссаси”, –Т.: Шарқ, 1991.

(Тақризчи: А.Сабирдинов – филология фанлари доктори)

ИСАЖОН СУЛТОННИНГ “БОҚИЙ ДАРБАДАР” РОМАНИДА БОШ ҚАҲРАМОН  
МАСАЛАСИ

ВОПРОС ГЛАВНОГО ГЕРОЯ В РОМАНЕ ИСАЖОНА СУЛТАНА “ВЕЧНЫЙ  
СКИТАЛЕЦ”

THE ISSUE OF THE PROTAGONIST IN THE NOVEL OF ISAJAN SULTAN “THE  
ETERNAL WANDERER”

И.Саймуратова<sup>1</sup>

<sup>1</sup> И.Саймуратова

— Гулистан давлат университети ўзбек тили ва  
адабиёти кафедраси катта ўқитувчиси.

**Аннотация**

Мазкур мақолада ёзувчи Исажон Султоннинг “Боқий дарбадар” романидаги бош қаҳрамоннинг яратилиши  
тариҳи, унинг ўзбек ва жаҳон адабиётидаги тутған ўрни ёритилган.

**Аннотация**

В данной статье освещена история создания главного героя романа “Вечный скиталец” писателя  
Исажона Султана, а также его место в узбекской и мировой литературе.

**Annotation**

*This article covers the history of the creation of the main hero of the novel “The Eternal wanderer” by writer Isajan Sultan, its role in Uzbek and world literature.*

**Таянч сўз ва иборалар:** роман, образ, характер, қаҳрамон, боқий дарбадар, Агасфер, мазмун, моҳият,  
талқин, миллӣ тафаккур.

**Ключевые слова и выражения:** роман, образ, характер, герой, вечный скиталец, Агасфер,  
содержание, суть, интерпретация, национальное мышление.

**Keywords and expressions:** novel, image, character, hero, eternal wanderer, Agasfer, content, essence,  
interpretation, national thought.

Бадий ижоднинг муҳим қирраларидан бири мукаммал образ яратишидир. Асарнинг туб моҳияти образ орқали очиб берилади. Яъни, ижодкор бошқаларга айтадиган муҳим гапини, онгда пишишиб етилган ғоясини фақат образлар орқали етказиб беради. Бадий ижода образ етакчи тушунча бўлиб, бошқа барча тушунчалар унга хизмат қиласди. Образ тушунчасининг маъно доираси кенг бўлиб, унинг моҳияти асосида инсон фаолияти, руҳият олами, кечинмалари, орзу-умидлари ётади. Адабиётшунос олим Б.Саримсоқов бадий адабиётда образ синтези масаласида ҳақида сўз юритиб: “Ижодий жараён турли ижодкорларда, турли характерларда, турлича руҳий жараёнларда кечса ҳам, бироқ синтез бўлаётган образ муайян мантиқий изчиллик асосида юзага келади”, [1. 83] – деб таъкидлайди.

Ёзувчи ижоди ва унинг романлари ҳақида сўз кетганда, албатта, асардаги бош қаҳрамонлар талқини алоҳида аҳамиятга

эга. Шу маънода романлар бош қаҳрамонлари руҳий дунёсида яқинлик бўлгани ҳолда, уларда алоҳида шахс сифат-белгилари мужассамдир.

Бугунги тараққиётнинг янги босқичида ўзбек миллӣ тафаккур йўналишида ҳам жаҳоннинг ижтимоий онгидаги турфа фикрларнинг ва йўналишларнинг таъсири сезиларли даражада эканлигини кўриш мумкин. Шу сабаб ҳозирги ўзбек насрига, хусусан, романчилигига хос бўлган хусусиятларни аниқлаш, уни тадқиқ этиш, бош қаҳрамон ва уни яратилиш тариҳи масалаларини ўрганиш асосий илмий муаммолардан биридир.

Романларда алоҳида шахслар оламини, уларнинг ўзига хос қирраларини акс эттириш устунлик қилаётгани кузатилмоқда. Ўзбек ёзувчилари ана шу ҳаёт ҳақиқатини ўз руҳиятини тафтиш этиб, ўзлигини англатишга интиладиган қаҳрамонлар яратиш орқали юза чиқараётганларини Исажон Султоннинг

«Боқий дарбадар» номли роман орқали ўрганиш тадқиқ этилаётган масаланинг долзарблигини белгилайди. «Ҳар қандай мамлакатнинг иқтисодий қудрати оғир саноатнинг қанчалик ривожланганига қараб белгиланганидек, ҳар қандай миллий адабиётнинг инсоният эстетик тафаккурига қўшган ҳиссаси ҳам ундаги романчиликнинг салмоғи билан тайин этилади. Чунки роман миллат бадиий тафаккурининг тараққиёт даражасини намоён этади» [2].

Дарҳақиқат, юртимиз мустақиллик йилларида ҳаётнинг турли жабҳаларида кўплаб ютуқлар қўлга киритилди. Шу қаторда адабиёт соҳасидаги изланишларни эътироф этмаслик мумкин эмас. Истиқпол даври ўзбек адабиёти салқам ўттиз йиллик даврни ўз ичига қамраб олади. Шу давр мобайнида романчилик соҳасида кўплаб мавзуларда, турли хил йўналишлардаги романлар яратилди. Чунончи, замонавий руҳга эга бўлган, инсон руҳиятининг бетакор жилваларига бағишланган турфа романлар ўзбек адабиётида катта ҳодиса бўлди.

Бу асарлар орасида Исажон Султон қаламига мансуб «Боқий дарбадар» романи ўзига хос аҳамиятга эга. Жуда ихчам ҳажмга эга бўлган бу асарда ёзувчи китобхонларга умрнинг моҳияти, инсон ҳаётининг бесамар ўтиши нақадар оғир ва аянчли эканлигини кўрсатмоқчи бўлади. Тафаккур ва қалб бирлашиб, руҳиятни озиқлантириши, ҳар қадамда уни мазмун билан тўйинтириши лозимлиги уқтирилади. Мазмунлар эса турфа. Кимdir ҳаётининг бош мезони сифатида “дарбадарлик”ни касб этса, кимdir ўз нафсининг эҳтиёжларини қондириш учун яшайди. Яна кимdir бу дунёning издан чиқсан ғалаёнлари аро виждан азоби-ю оғрикли саволлар ичра бедор. Асар руҳидаги исломий-фалсафий ғоялар ҳам, беихтиёр, ўқувчини ўйга толдиради, мақсадлар, манзиллар, маънолар тўғрисида мушоҳада қилмоқча чорлайди. “Исажон Султоннинг “Боқий дарбадар” асари ўзбек романчилигига алоҳида воқеа бўлди. У инсон интеллекти, одамийлиги ва ёвузлиги имкониятлари ҳақидаги фалсафий-рамзий романдир. Романда одамзод пайдо бўлгандан буён унинг маънавиятини кемириб, тириклигига азобларга гирифтор қилиб ўлгач, дўзах оловида куйишига сабаб бўлаётган манфаатпарастлик, қаноатсизлик ва нафс

аталмиш иллатлар етовида кимсаларнинг қисмати акс эттирилган. Бу асар ҳар бир одам ва бутун башариятга қилинган огоҳлантириш, одамзодни ёвузлик ва ўз кучига ортиқча баҳо беришдан қайтаришга бўлган бир бадиий даъват десак, муболаға бўлмайди” [2].

Ёзувчи асар мазмунини очиб бериш учун ўзига хос образ ва персонажлардан моҳирона фойдаланади ва уларни китобхон кўз ўнгидаги яққол гавдалантиради. Романда этикдўз, сахродаги чол ва набира, Тиёншон бағридаги ғорда истиқомат қилувчи авлиё, профессор Зиё, генетика мутахассиси Георг Мендел, сунъий урчитилган барҳаёт жонзот, ўғил (Зиёнинг фарзанди) каби бир қатор тақрорланмас қаҳрамонларни учратиш мумкин. Улар орасида асарнинг бош ғоясини ўз елкасида олиб юрган, роман сарлавҳасига ҳам асос бўлган боқий дарбадар, яъни бош қаҳрамон сифатида танлаб олинган этикдўз образининг ўзига хос яратилиш тарихи ва талқини бор.

Жаҳон адабиётида алоҳида ўрин эгаллаган мазкур қаҳрамон “Агасфер” номи билан юритилади. Бу ҳақидаги мавжуд тадқиқотлар Агасфер образининг яратилиш тарихи борлигини кўрсатади. Турли йилларда дунёning турли адиблари мурожаат этган Боқий дарбадар образининг яратилиши ва унинг ўзига хос талқинига оид маълумотлар дастлаб ҳалқ асотирларида, шунингдек, “Брокгауз ва Эфрон”, “Википедия”, “Академик адабиёт” ва “Катта инглиз” каби ҳалқаро энциклопедияларда келтирилган. Адабиётшунос олим Абдуғафур Расуловнинг мазкур масала юзасидан олиб борган тадқиқотларида Боқий дарбадар образи илк бора 1228 йилда, англиялик Роджер Уэндоверскийнинг парижлик Мэтью томонидан тузилган “Катта хроника”сида учраши, дунё бадиий адабиётида анчайин кеч – ўн учинчи асрга келиб пайдо бўлганлиги айтиб ўтилган. XVII асрга келиб Агасфер образининг немисча талқини (1602) пайдо бўлган бўлса, XVIII асрда Шубартнинг “Der ewige Jude” (1783) рапсодияси, Гётенинг “Der ewige Jude” (1792) номли поэмаси яратилган. XIX асрга келиб эса, Томас Карлейлнинг “Sartor Resartus” (1834), Ленаунинг “Der ewige Jude” (1839), Эжен Сюнинг “Le Juif errant” (1845) роман-авантюраси, Василий Жуковскийнинг “Кезувчи дарбадар” (1852), Эдуард

Гренъенинг “La Mort du juif – errant” (1857), Гамерлингнинг “La Mort du juif - errant” (1857) поэмалари, Артуро Графнинг “Фауст ва Агасфер” (1891) драмаси, Александр Дюманинг “Исаак Лакедем” (1853), Льюис Уоллеснинг “Шоҳ шаҳрининг қулаши” (1893) каби романлари яратилган.

XX асрга келиб бу образни янада кенроқ ёритиш анъанаси давом этди. Бу даврда яратилган асарлар сирасига Редъяд Киплингнинг “Боқий яхудий”, Гиём Аполлинернинг “Прага ўткинчиси” (1910), Хорхе Луис Борхеснинг “Мангулар шахри” новелласи, Пер Лагерквистнинг “Агасфернинг ўлеми” романи, Габриэл Гарсия Маркеснинг “Ёлғизликнинг юз иили” (1967), Стефан Геймнинг “Агасфер”, Жанд’ Ормессоннинг “Боқий дарбадарнинг тарихи” (1991), О’. Генрининг “Тиним билмаган эшик” асарларини киритиш мумкин.

Юқорида номлари зикр этилган мазкур асарларда Агасфер образининг талқини ўзига хос тарзда турли-туманликни тақозо этади. Роджер Уэндоверскийнинг ёзишича Боқий дарбадар мангу дарбадар эмас, балки мангу яшовчан кишидир. Шубартнинг рапсодиясида Агасфер ўлимга ва оромга эришади. У Эжен Сюнинг роман-авантюрасида “ҳеч нарса билан машғул дайди”. Гамерлингнинг поэмасида Агасфер ҳар кишини ўлим сари йўлласа, Льюис Уоллеснинг “Шоҳ шаҳрининг қулаши” романида ҳиндистонлик сирли княз сифатида тасвирланади. “О’Генрининг “Тиним билмаган эшик” ҳикоясида эса, маст-аласт этикдўз Майк О’Бадер провинциал газета ходимларининг ёнига келиб, ўзининг ўша – қуддуслик этикдўз эканини айтади” [3,62].

Агасфер образи XXI аср адабиётида хам ўзига хос асарлар яратилишига туртки бўлди. Чунончи, испан ёзувчиси Сесар Видал Мансаранес 2008 йилда у тўғрисида “Боқий жуҳуд” романини ёзди. 2011 йилда ўзбек адабиётида дунёга келган “Боқий дарбадар” романи ҳам бу норасмий анъананинг бетакрор давоми бўлди.

Исажон Султон Боқий дарбадар образини яратар экан, унинг моҳиятига ўзбекона қараш қанақа бўлишини, миллий ғурур, ифтихор, тафаккур ва ўзликни англаш синоатини сингдириб юборади. Унинг асарида “Ана шу иймон ва виждан тимсолига “қўл кўтарган” ва алалоқибат муқаддас

мақсадларидан айрилиб, ҳаёти фақатгина еб-ичишдан ва ўйин-кулги қилиб дайдиб юришдан иборат бўлиб қолган дунёдаги барча кишилар дарбадардир деган ғоя илгари сурилади” [3,63]. Бироқ асарнинг туб моҳиятига синчковлик билан ёндашсак, Боқий дарбадарнинг шарқона ўзига хос талқинини яратганлигини англаймиз. Инсоният тақдирининг ўта мураккаб чигалликлардан иборат эканлигини ҳис этамиз. Мана шу ҳис ўзлигимизни уқтираётгандек бўлади, гўё. Зоро, “Шарқ тушунчасида мангу зотлар элига ва иймон-этиқодига қатъий содиқ кишилардир ва мангулик Шарқ кишисига кўра, ўзбек кишисига кўра сираям лаънат эмас, балки юксак даражадир. Шу сабабдан ҳам Ҳазрати Хизрдан ташқари, турли азиз авлиёларнинг ҳам боқий эканига урғу берилади. Фольклоримиздаги Ғавсул Ғиёс, чилтланлар образидан тортиб то халқимиз наздидаги мангу барҳаёт зотларга, хусусан, Мир Алишер Навоийга ва Бобораҳим Машрабга дикқат қаратилади.

Мулоҳазакор ва вазмин Шарқ образга ана шундай баҳо беради ва муқаддас тушунчаларни йўқотиб қўйган ҳар қандай касга шу тариқа дарбадарлик тамғасини босади” [3,64]. “Унинг романидаги одам бутун дунёга хукмронликни агадийлаштириш мақсадида Ғарбдаги яширин илмий марказларда сунъий инсонни ҳосил қиласди, мукаммал ақл эгаси бўлган ўлмас инсон ақлий заковати билан бу оламни яратган Худонинг қудратини англайди ва лабораторияларда клонлаш Худога қарши, гуноҳ иш деб, ёвуз қашфиётчиларнинг қафасидан қочиб, мангу дарбадарга айланади. Асарда сунъий одамнинг қашфиётчиларга мурожаатида ёзувчи инсоният тақдири ҳақидаги ўйларини изҳор қиласди” [4,69].

Асар оломон тўпланган шаҳар, халқ томонидан “Махес” деб ном олган ўлим лашкарининг бир Муборак кишини қатл учун олиб кетаётгандиги тасвири билан бошланади. “Теваракдаги оломон “Қани сенинг худойинг? Нега у сенга мадад бермаяти?” дея қичқирар ва кулар эди. Кулаётган бу бадбаҳт оломон орасида бир этикдўз ҳам бор эди” [5,6]

Бойлар ва камбағаллар, чўрилар ва қуллар ҳадсиз бўлган бу замонда этикдўз ўртамиёна, на бой, на камбағал,

теваракдагилар учун ўта хасис, бирорга фойдаси ҳам, зарари ҳам тегмайдиган, қатъий ҳисоб – китоб билан умр кечириувчи инсон эди. У ўн ёшида бир Ҳазрат билан учрашади ва унга қандай қисмат рўбарў келишидан огоҳлантирилади. Яъни, у боқий умр кечириш қисмати эди.

Юқорида айтиб ўтилган, “Maxes” лашкари олиб кетаётган Муборак кишига қўл кўтарганилиги боис у шундай жазога маҳкум этилади. Вақт ўтиши билан ундан ҳамма юз ўгиради ва уни шаҳардан ҳайдаб чиқарадилар. Йиллар ўтгани сари унинг ҳаётида ҳеч қандай маъно қолмайди. Унинг учун на ватан, на миллат, на тил қолди. Фақат ҳаёти бесамар дайдишдан иборат.

“Дедилар :

Иблис алайҳиллаъна  
Парвардигоримизнинг синови эканини яхши  
биламиз. Сенинг қисматингдан ҳикмат нима?

Деди:

Қанчалар узоқ умр берилса-да, бу оламдаги ҳамма нарса кун келиб совурилиб, йўқ бўлиб кетишининг тирик гувоҳи бўлишим менинг ҳикматимдир. (Айтадиларки, у ана шундай деб ёлғон гапиради. Ёлғонига ўзи ҳам ишонмаса-да, Тангрига яқинроқ бир банданинг шафоатидан умидвор эди. Бироқ кўп йиллик бу умидворлигининг саҳрораги шу кум зарралари каби совурилиб кетишини ҳам яхши биларди. У ибодат қиласи эди, аммо ибодатининг қабул бўлмаслигини ҳам биларди... )” [5,12]

Инсон ҳаётининг нақадар аянч ҳолга келиши этиқдўз тимсолида шунчалар таъсирчан ифода этилганки, китобхон беихтиёр, умрнинг моҳияти, бесамар ўтаётган ҳар бир дақиқанинг қийматини идрок этишга уринади. Покиза иймон ва соғвиждан билан яшаш инсондан қанчалик машаққат талаб этса-да, пировард натижада, кўнгил ва руҳнинг хотиржамлигига эришиш мумкин. Акс ҳолатда эса, кум зарралари каби совурилиб кетаётган ҳаёт нуқталарига қўзимиз тушиши ҳеч гап эмас.

Шундай бўлса-да, этиқдўз бир умид билан яшайди. Фикри теран, авлиё даражасига етган инсонлар билан сұхбат қуради, фалсафий мавзуларда фикр алмашади. Тиёншон бағридаги ғорда истиқомат қилувчи авлиё билан учрашганда шундай сўзларни айтади:

“-Унинг наздида қадру қиймат топган бандаларидан бири эканлигингга, оддий

кишиларга билдиримаган сирларидан ўзи хоҳлаганларини сенга билдирганига шакшубҳа йўқ. Бироқ, менинг ким эканимни нега пинҳон тутганини англаб етолмадим. Унинг бу иродасида яхшилик борлиги аниқ-равшан, шояд менга ҳам бир хайр етса деб умид киламан” [5,21].

Персонаж нутқи орқали очиб берилган руҳий манзара китобхонни ҳам, беихтиёр, этиқдўзга ҳамдард, қалбан яқин қилиб қўяди. Қилган ишидан пушаймон, изтироб ва надоматлар исканжасида ҳам кўнглида бир ёруғлик билан яшаётган бу қаҳрамон ўз ҳаётидаги маънисизлиқдан ҳам бир маъно кутади.

“Агар ғарб постмодернизми оламни бемаъни дея ҳукм чиқарса, Исажон Султон романида шу маънисиздек кўринаётган дунёда дарбадарликдан қочиш кераклиги ғояси олға сурилади. Аҳамиятлisis, ижодкор мавжуд шароитнинг хаотик ифодасидан қочмайди. Яъни роман қаҳрамонлари ўз мавжудлигидаги ҳақиқатни турли йўллардан қидираркан, муаллиф аниқ бир ҳукм, Идеал кўрсатишга ожиз эканлигини яширмайди. Лекин унинг қаҳрамонлари ана шу Идеални қидиришдан чарчамайди” [6].

Воқеалар ривожи, сұхбатлар орқали этиқдўз характерининг шаклланиб боришига гувоҳ бўламиз. Асар бошида худбин, зиқна, ўз манфаатлари йўлида ҳар қандай қабиҳликларга тайёр бўлган қаҳрамоннинг йиллар давомида шаклланишига, бесамар дайдишга ҳукм қилинган инсоннинг йўқлиқдан борлиқни топишга уриниши, ҳаёт ва инсоният билан курашиб бўлса-да, ўзлигини топиш учун қилган саъиҳаракатлари унинг собит иродаси ва матонатидан дарак бериб туради. Қаҳрамон ўзи идрок қила олмаган, тафаккур ва руҳият қатламлари учун жумбоқ бўлган масалаларни ечишга, тушунишга уринади. Шояд, жазодан фориғ бўлса, дарбадарликдан озод бўлсаю, барча инсонлар каби хотиржам кўз юмса.

“Бадиий адабиётда образга нисбатан характер муҳим аҳамият касб этади. Ёзувчи характерлар тасвири орқали воқееликни акс эттиради. Бу – ҳаётни эстетик ўзлаштиришнинг асосий усулидир. Характер, Л.И.Тимофеев айтганидек, образнинг ядроси. Характер, биринчи навбатда конкрет ҳаётий шароитда ўз индивидуал хатти-харакатлари ва руҳий кечинмалари билан